XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2023 - yil 6 - aprel VI-42-42-3-48-K/23 Zomin tumani hokimligi

“Navoiy” qishloq fuqarolar yig‘ini Tog‘ayto‘pi qishlog‘ini “Navoiy” qishloq fuqarolar yig‘ini tarkibidan chiqarib, “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘ini tarkibiga kiritish to‘g‘risida.

O‘zbekistan Respublikasi “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi qonunining 17 va 24-moddalariga hamda O‘zbekistan Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 4-martdagi “Shaharlar, posyolkalar va ovullarning mahallalarini tuzish, birlashtirish, bo‘lish va tugatish, shuningdek, ularning chegaralarini belgilash va o‘zgartirish, ularga nom berish va ularning nomini o‘zgartirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 48-sonli qaroriga muvofiq xalq deputatlari tuman Kengashi sessiyasi

QAROR QILADI:

1. Navoiy qishloq fuqarolar yig‘inidagi “Tog‘ayto‘pi” qishlog‘ini Navoiy qishloq fuqarolar yig‘ini tarkibidan chiqarib, “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘ini tarkibiga kiritish to‘g‘risidagi mahalla fuqarolar vakillari yig‘ilishining iltimosnomalari hamda mahalla va nuroniylarni qo‘llab-quvvatlash Zomin tuman bo‘limi boshlig‘i S.Parmonov ma’ruzasi asos uchun qabul qilinsin.

2. Navoiy qishloq fuqarolar yig‘inidagi “Tog‘ayto‘pi” qishlog‘ini Navoiy qishloq fuqarolar yig‘ini tarkibidan chiqarib, “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘ini tarkibiga kiritish to‘g‘risidagi mahalla fuqarolar vakillari yig‘ilishining iltimosnomalari hamda aholining taklifi inobatga olinsin.

3. Navoiy qishloq fuqarolar yig‘inidagi “Tog‘ayto‘pi” qishlog‘ini Navoiy qishloq fuqarolar yig‘ini tarkibidan chiqarish, “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘ini tarkibiga kiritish bo‘yicha tegishli choralar ko‘rilsin.

4. Kadastr agentligi Zomin tuman bo‘limi (F.O‘rolov) ushbu qarorga muvofiq Navoiy qishloq fuqarolar yig‘ini, “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘ini chegaralariga

zarur o‘zgartirishlar kiritsin.

5. Tuman statistika bo‘limi (F.Yuldashev) ushbu qarorga muvofiq, aholi punktlarining statistik ko‘rsatkichlariga ikki hafta muddatda zarur o‘zgartirishlar kiritsin.

6. Tuman IIB FMB (F.To‘ychiev)ga, Navoiy qishloq fuqarolar yig‘ini, “Tog‘ayto‘pi” qishlog‘i aholisini “Nurlikent” mahalla fuqarolar yig‘iniga ro‘yxatga olish bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rsin.

7. Qarordan nusxa geografik ob’ektlarga nom berish va ularni nomlarini o‘zgartirish masalalari bo‘yicha viloyat komissiyasiga ma’lumot uchun yuborilsin.

8. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

9. Mazkur qaror ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari Zomin tuman Kengashining Ta`lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat, sport va ijtimoiy himoya masalalari bo‘yicha doimiy komissiya raisi (B.Shukurov) hamda tuman hokimining o‘rinbosari S.Anvarov zimmalariga yuklatilsin.

Tuman hokimi **A.Abdug'aniyev**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
1-ilova

Зомин туман ҳокими
А. Абдуғаниевга

И Л Т И М О С Н О М А

Биз Жиззах вилояти, Зомин тумани Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тоғай-тўпи қишлоғида яшовчи бир гуруҳ аҳоли 125 та хонадон эгалари номидан Сизга мурожаат қилишимиздан мақсад шуки, Тоғай-тўпи қишлоғи Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини Тоғай-тўпи қишлоғида 12 километр олис масофада жойлашган бўлиб, фуқаролар турли масалалар билан фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, деярли ҳар куни йўлга чиқишмоқда, баъзида фуқаролар йиғини ходимлари ободонлаштириш ва бошқа ишлар билан банд бўлиб, идорада бўлмайди. Бизнинг қишлоғимиз аҳолисига қулайлик туғдириш мақсадидаТоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритишда ёрдам беришингизни сўраймиз. Чунки Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғидан 4 километр масофада жойлашган.Биз маҳалла идорасига пиёда борсак ҳам қийналмаймиз.

Шу сабабли биз яшаб турган Тоғайтўпи қишлоғини Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиб беришингизни илтимос қиламиз.

1. Ҳамзаев Ғулом, Тоғай-тўпи қишлоғи оқсоқоли
2. Ўролов Халил
3. Сафаров Шербек
4. Мамиров Бердимурод
5. Ахбўтаев Эркинбой
6. Махмудов Одил
7. Холмирзаева Муқаддас
8. Абдуллаев Ҳасан ободонлаштириш ходими
9. Ўролова Жумагул
10. Шеркўзиев Абилқосим
11. Бобоев Ўткир
12. Эрманов Шодиёр
13. Турсунов Олим
14. Маматов Улуғбек
15. Маъмуров Кўчкор
16. Иймонқулов Нишон
17. Мамиров Ҳайдар
18. Ярлакобов Жахонгир
19. Бобомуродова Гулнора қишлоқ хамшираси
20. Мамиров Бахтиёр
21. Холбўтаев Бахтиёр
22. Қаршибоев Турот
23. Эгамбердиев Хусанбой
24. Маллаев Рустам
25. Мамирова Мухаббат ўқитувчи

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
2-ilova

Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб-қувватлаш Зомин туман бўлими бошлиғи С.Пармоновнинг "Навоий" қишлоқ фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғини "Навоий" қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, "Нурликент" маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисидги маърузаси

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4944-сонли Фармони билан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора тадбирлар" дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2017 йил 15 августдаги 07/1-1979-сонли топшириғи ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5621 та аҳоли, 1315 та оила, 892 та хонадонлар бўлиб, улар 8 та аҳоли пунктларига бирлашган. Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғида яшовчи бир гуруҳ аҳоли Тоғайтўпти қишлоғини Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишган.

Тоғайтўпи қишлоғи Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинидан 15 километр олис масофада жойлашганлигини, фуқаролар турли масалалар билан фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, деярли ҳар куни йўлга чиқишларини, баъзида фуқаролар йиғини ходимлари ободонлаштириш ва бошқа ишлар билан банд бўлиб, идорада бўлмаслигини, бу эса аҳоли ўртасида норозиликлар келтириб чиқараётганлигини маълум қилишган.

Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғидан 4 километр масофада эканлигини маълум қилишиб, Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритишни сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган "Шахарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сизлардан юқоридаги масала бўйича туман Кенгаши қарори лойиҳасини ҳамда тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш Зомин туман бўлими бошлиғи **С.Парманов**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
3-ilova

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли пунктлари тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

№	Қишлоқлар номи	Аҳоли сони	Хонадон сони	Оила сони
1	Бош Пешоғор	377	60	97
2	Хатап	1008	153	218
3	Отчилик базаси	1077	178	249
4	Бешбулоқ	397	60	101
5	Аржа	548	90	123
6	Шўрча	542	90	118
7	Ғўлба	312	50	77
8	Тоғайтўпи	1360	211	332
	Жами	**5621**	**892**	**1315**

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқиб кетадиган аҳоли пунктлари тўғрисида

№	Қишлоқлар номи	Аҳоли сони	Хонадон сони	Оила сони
1	Тоғайтўпи	1360	211	332
	жами	**1360**	**211**	**332**

Навоий ҚФЙ раиси: Р. Лапасов

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
4-ilova

Зомин тумани Навоий қишлоқ фуқаролар вакиллари йиғилишининг

БАЁНИ № 3

“25” июль 2022 йил **Навоий ҚФЙ**

Раислик қилувчи: Лапасов Раимберди Ишонқулович

Ҳаммаси бўлиб ҳудуддаги қишлоқларда истиқомат қилувчи сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони **360 та**
Йиғилишда иштирок этган сони: **252 та**

Раёсат аъзолари:

1. Лапасов Раимберди — Навоий ҚФЙ раиси
Тоғайтўпи қишлоғи
2. Сафаров Шербек — Меҳнат фахрийси Тоғайтўпи қишлоғи
3. Тўраев Рахмонқул — Бош Пешоғор қишлоғи
4. Пардаев Анвар — Аржа қишлоғи
5. Исматов Ўрол — Шўрча қишлоғи

КУН ТАРТИБИ:

1. Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида

ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги масала юзасидан Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Лапасов сўзга чиқиб, Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармони билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора тадбирлар” дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2017 йил 15 августдаги 07/1-1979-сонли топшириғи ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5621 та аҳоли, 1315 та оила, 892 та хонадонлар бўлиб, улар 8 та аҳоли пунктларига бирлашган.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан

воий қишлоқ фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғида яшовчи бир гуруҳ аҳоли Тоғайтўпти қишлоғини Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишган. Тоғайтўпи қишлоғи Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинидан 15 километр олис масофада жойлашганлигини, фуқаролар турли масалалар билан фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, деярли ҳар куни йўлга чиқишларини, баъзида фуқаролар йиғини ходимлари ободонлаштириш ва бошқа ишлар билан банд бўлиб, идорада бўлмаслигини, бу эса аҳоли ўртасида норозиликлар келтириб чиқараётганлигини маълум қилишган. Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғидан 3 километр масофада эканлигини маълум қилишиб, Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритишни илтимос қилишган.

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Лапасов Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тоғайтўпи қишлоғи аҳолисига кулайликлар туғдириш мақсадида Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида таклиф киритди.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакили Тоғай-тўпи қишлоғи оқсоқоли Ҳамзаев Ғулом, Тоғай-тўпи қишлоғида яшовчи Навоий ҚФЙ вакиллари Ўролов Халил, Мамиров Бердимурод, Холмирзаева Муқаддаслар Тоғай-тўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида таклифни маъқуллаб, ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Йиғилишда иштирок этган вакилларининг 252 нафари томонидан мазкур таклиф маъқулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакилларининг ҳудудидаги Тоғайтўпи қишлоғи аҳолисига кулайликлар туғдириш мақсадида Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Кун тартибига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарорларнинг тасдиғи Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб-қувватлаш Зомин туман бўлимидан сўралсин.

3.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (Р. Лапасов) зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси: **Р. Лапасов**

Йиғилиш котиби: **Э. Ахбўтаев.**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
5-ilova

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI ZOMIN TUMANI
MAHALLA VA NURONIYLARNI QO‘LLAB-QUVVATLASH BO’LIMI

130800. Zomin tumani. Qo`rg`on MFY. Qo`rg`on ko`chasi (72) 392-17-08

2022 yil “12” августа № 01-442-son Zomin.t

Зомин туман ҳокими
А. Абдуғаниевга

Ҳурматли Алишер Мухаммадиевич !

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармони билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора тадбирлар” дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2017 йил 15 августдаги 07/1-1979-сонли топшириғи ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5621 та аҳоли, 1315 та оила, 892 та хонадонлар бўлиб, улар 8 та аҳоли пунктларига бирлашган. Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғида яшовчи бир гуруҳ аҳоли Тоғайтўпти қишлоғини Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишган. Тоғайтўпи қишлоғи Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинидан 15 километр олис масофада жойлашганлигини, фуқаролар турли масалалар билан фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, деярли ҳар куни йўлга чиқишларини, баъзида фуқаролар йиғини ходимлари ободонлаштириш ва бошқа ишлар билан банд бўлиб, идорада бўлмаслигини, бу эса аҳоли ўртасида норозиликлар келтириб чиқараётганлигини маълум қилишган. Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғидан 4 километр масофада эканлигини маълум қилишиб, Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритишни сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва

овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисидаги таклифларини халқ депутатлари туман Кенгашига тақдим қилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Ҳурмат билан :

(Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тоғайтўпи қишлоғини фуқаролар йиғини таркибидан чиқариш тўғрисидаги 2022 йил 25 июлдаги 3-сонли вакиллар йиғилиши Баёни, Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли, хонадон ва оилалар сони тўғрисида маълумотлар илова қилинмоқда)

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш
Зомин туман бўлими бошлиғи **С.Парманов**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
6-ilova

Зомин тумани Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда "Нурликент" маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг қўшма йиғилиши

БАЁНИ №

"27" март 2023 йил **Тоғайтўпи қишлоғи**

Раислик қилувчи: **Р. Лапасов, Навоий ҚФЙ раиси**

Ҳаммаси бўлиб ҳудуддаги қишлоқларда истиқомат қилувчи сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони **355 та**
Йиғилишда иштирок этган сони: **231 та**

Раёсат аъзолари:

1.Эшмуродов Холбой	Тоғайтўпи қишлоғи фаоли
2.Эшмуродов Жахонгир	Тоғайтўпи қишлоғи оқсоқоли
3.Алимов Одилбек	Нурликент МФЙ раиси
4. Жўраев Шерозий	Навоий ҚФЙ хоким ёрдамчиси
5. Қорабеков Бекзод	Нурликент МФЙ хоким ёрдамчиси

КУН ТАРТИБИ :

1. Тоғайтўпи қишлоғида яшовчи аҳолининг Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳақида.

ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги масала юзасидан Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Лапасов сўзга чиқиб, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тоғайтўпи қишлоғида яшовчи аҳоли ўзларига қулайлик яратиш мақсадида Тоғайтўпти қишлоғини Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан чиқариб, Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида илтимоснома билан Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари йиғилишига ва Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб-қувватлаш Зомин туман бўлими мурожаат қилишган.

Бугунги кунда Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5715 та аҳоли, 1325 та оила, 927 та хонадонлар бўлиб, улар 8 та аҳоли пунктларига бирлашган.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ўрганиб чиқилишини сўрашган. Мурожаат бўйича Тоғайтўпи қишлоғи Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинидан 18 километр олис масофада жойлашганлигини, фуқаролар турли масалалар билан фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, деярли ҳар куни йўлга чиқишларини, баъзида фуқаролар йиғини ходимлари ободонлаштириш ва бошқа ишлар билан банд бўлиб, идорада бўлмаслигини, бу эса аҳоли ўртасида норозиликлар келтириб чиқараётганлигини маълум қилишган. Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини Тоғайтўпи қишлоғидан 3 километр масофада эканлигини маълум қилишиб, Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритишни илтимос қилишган.

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
7-ilova

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Лапасов Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тоғайтўпи қишлоғи аҳолисига кулайликлар туғдириш мақсадида Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида таклиф киритди.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакили Эшмуродов Холбой, Тоғайтўпи қишлоқ оқсоқоли Эшмуродов Жаҳонгир, Навоий ҚФЙ ҳоким ёрдамчиси Ш. Жўраев, халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши депутати С. Эргашевлар сўзга чиқиб, Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисида таклифни маъқулладилар. Йиғилишда Нурликент МФЙ раиси О. Алимов, хотин қизлар фаоли Н. Эргашева, Кексалар ва нуронийлар бўйича раиси ўринбосари Т. Дўстмуродовлар ҳам сўзга чиқишиб, Нурликент маҳалласида яшовчи аҳоли Тоғайтўпи қишлоғи аҳолиси билан тўй ва маъракалари бирлигини, қуда-андачиликда, яхши қўни-қўшничилик ришталарини боғлаб яшаб келаётганликларини маълум қилишди.

Йиғилиш раиси Р. Лапасов Тоғайтўпи қишлоғининг Нурликент маҳалла фуқаролар йиғинига ўтаётган чегаралари тўғрисида қисқача маълумот бериб, Молгузар СИУнинг жануб томонида жойлашган "Санокул Тошбеков"фервер хўжалигидан "Анқаев Шодиёр" фервер хўжалиги, Тоғайтўпи қишлоғининг ғарбий қисмида Ш. Рашидов туман билан чегарадош ер майдонлари, шимол томонда Зарбдор-Зомин темир йўллари билан чегарадош ер майдонлари жами 1930 гектар ер майдони Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига кираётганлиги ҳақида ахборот берди.

Тоғайтўпи қишлоғининг харитаси чизмаси илова қилинади.

Йиғилишда иштирок этган вакилларининг 214 нафари томонидан мазкур таклиф маъқулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини вакилларининг ҳудудидаги Тоғайтўпи қишлоғи аҳолисига кулайликлар туғдириш мақсадида Тоғайтўпи қишлоғини Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молгузар СИУнинг жануб томонида жойлашган "Санокул Тошбеков"фервер хўжалигидан "Анқаев Шодиёр" фервер хўжалиги, Тоғайтўпи қишлоғининг ғарбий қисмида Ш. Рашидов туман билан чегарадош ер майдонлари, шимол томонда Зарбдор-Зомин темир йўллари билан чегарадош ер майдонлари жами 1930 гектар ер майдони Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини таркибига ўтказилсин

3. Кун тартибига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарорларнинг тасдиғи Зомин туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда, Халқ депутатлари Зомин туман Кенгашидан сўралсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (Р. Лапасов) ва Нурликент маҳалла фуқаролар йиғини раиси (О.Алимов)лар зиммасига юклатилсин.

"КЕЛИШИЛДИ"
Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
_____ Р.Лапасов
"27" 03 2023 й

"КЕЛИШИЛДИ"
Нурликент фуқаролар йиғини раиси
_____ О.Алимов
"27" 03 2023 й

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-42-42-3-48-K/23-son qaroriga
8-ilova

